

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ
БОШ ИЛМий-МЕТОДИК МАРКАЗ**

ШОЙМАРДОНОВ ТУЙМУРОД ТУРДИАЛИЕВИЧ

**ПЕДАГОГ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШИ ВА КАСБИЙ
ФАОЛИЯТИ МОНИТОРИНГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ**

13.00.06 –Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Шоймардонов Туймурод Турдиалиевич

Педагог кадрлар малакасини ошириши ва касбий фаолияти
мониторингини ташкил этишнинг электрон тизими 3

Шоймардонов Туймурод Турдиалиевич

Электронная система организации мониторинга повышения
квалификации и профессиональной деятельности педагогических
кадров 23

Shoymardonov Tuymurod Turdialiyevich

Electronical system of monitoring of upgrading qualification and
professional activity of pedagogical staff 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ
БОШ ИЛМий-МЕТОДИК МАРКАЗ**

Шоймардонов Туймурод Турдиалиевич

**ПЕДАГОГ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШИ ВА КАСБИЙ
ФАОЛИЯТИ МОНИТОРИНГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ**

13.00.06 –Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.PhD/Ped5 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг www.tdpu.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Бегимкулов Узокбой Шоимкулович педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Арипов Мерсаид физика-математика фанлари доктори, профессор
	Тайлаков Норбек Исакулович педагогика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент ахборот технологиялари университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел.: (99871) 255–80–86; факс: (99871) 256-76–51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел.: (99871) 255–80–86; факс: (99871) 256-76–51.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2017 йил _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.С.Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д.

Р.Г. Исянов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н.

Б.Абдуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, педагог кадрлар малакасини оширишни ташкил этишда унинг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда замонавий таълим технологияларини ва касбий ривожланишнинг янгича шаклларини ўзлаштириш орқали мустақил малака оширишга йўналтирилган малака оширишнинг вариатив тизимини ишлаб чиқиш асосий йўналишлар сифатида қаралади. Англияда ёш ёки тажрибали илмий-педагог кадрларнинг малакасини ошириш турли ёндашувлар асосида ташкил этилади. АҚШда педагогларнинг малака ошириши мониторинги Федерал таълим вазирлигининг автоматлаштирилган бошқарув тизими орқали амалга оширилади. Шунингдек, педагоглар ўз иш вақтининг 30 фоизини амалиётга йўналтирилган фаолиятига ажратадилар. Бу фаолият педагогнинг ўз компетентлигини амалиётда ошириши ҳамда меҳнат бозоридаги мутахассислиги билан боғлиқ бўлган долзарб жараёнлар билан узвий алоқада бўлишини таъминлайди.

Республикамизда олий таълим тизими раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида туб ислохотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонининг қабул қилиниши педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Ушбу фармонга биноан таянч олий таълим муассасалари хузурида 4 та минтақавий ва 16 та тармоқ марказлари ташкил этилди. Шунингдек, курсларнинг давомийлиги бир ойлик 144 соатдан икки ойлик 288 соатга оширилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги 103-сонли қарорига мувофиқ он-лайн ва оф-лайн технологияларига асосланган масофавий қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг жорий этилиши профессор-ўқитувчиларнинг асосий ишдан ажралмаган ҳолда курсларнинг ўқув дастурларини мустақил равишда ўзлаштириш имкониятини яратди.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларида тингловчиларнинг касбий тайёргарлигини ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлантириш, уларда зарур билим, кўникма ва малакаларни замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда шакллантириш муҳим вазибалардан биридир. Зеро, ҳозирги кунда малака ошириш жараёнлари сифати замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатда амалиётга жорий этилиши билан боғлиқ бўлмоқда. Шу жиҳатдан мазкур диссертация мавзуси долзарблиги намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини

ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 25-сонли, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда ривожланаётган узлуксиз таълим тизимида ижтимоий талабларга мос такомиллаштирилаётган қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими ўзининг алоҳида ўрнига эга. Бу борада юзага келаётган муаммоларнинг ечимини топишда, аввало қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларига замонавий технологияларни жорий қилишни аниқлаштириш, зарурий ахборот инфратузилмасини яратиш шунингдек, педагог кадрлар касбий фаолияти мониторингини олиб боришнинг электрон тизимини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Таълимда ахборот - коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича тадқиқотлар А.А.Абдуқодиров, А.Х.Абдуллаев, М.Арипов, У.Бегимкулов, Ш.С.Аҳрамов, Б.Бегалов, Ф.Закирова, Н.А.Муслимов, М.Лутфуллаев, С.Раҳмонқулова, Н.И.Тайлақов, С.С.Ғуломов, Р.Ҳ.Ҳамдамов, У.Юлдашевлар томонидан амалга оширилган.

Бугунги кунда таълимнинг турли босқичларида педагогик мониторинг тизимини яратишга уринишлар бўлмоқда, педагогик фаолиятнинг турли жиҳатлари Adam Swinyard, Niall Marriott, J.D. Willms, Э.Н.Рычихина, Е.А.Семина, А.Н.Майоров, В.И.Вовна, Н.Ф.Ильина, Воронцова, Введенский, Мокшеев; Казакова, Мозгаревлар томонидан тадқиқ қилинган.

Назарий манбалар мазмуни билан танишиш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари фаолиятини ўрганиш ва тажрибаларни аналитик таҳлил этиш педагог кадрлар малакасини ошириши ва касбий фаолияти мониторингини олиб боришнинг методик тизимини яратиш ва амалиётга жорий этиш муаммосининг долзарблиги ҳамда педагогик жиҳатдан тўлиқ тадқиқ қилинмаганлиги бир қатор ечимини кутаётган муаммоларнинг манбаи бўлиб қолаётганлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ОЎМТВ ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД–5-42 “Педагог

кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларида шахсга йўналтирилган электрон медиатаълим муҳитини шакллантиришнинг методик тизимини яратиш” (2012-2014 йй), А-1-116 “Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагоглари креатив салоҳиятини ривожлантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш” (2015-2017 йй) ва ЁА-5-5 “Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимни яратиш” (2016-2017 йй) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда уларнинг касбий фаолияти мониторингини олиб боришнинг электрон методик тизимини ишлаб чиқиш, назарий асослаш ҳамда амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

Тадқиқот вазифалар:

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, касбий фаолияти мониторингини олиб бориш жараёнларини ташкил этишнинг электрон методик тизими таркиби ва мазмунини ишлаб чиқиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, касбий фаолияти мониторингини олиб боришнинг интеграллашган электрон тизими платформасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

педагог кадрларнинг касбий компетентлик даражаси динамикаси ўзгаришини аниқлаштиришга қаратилган он-лайн технологияларга асосланган масофавий тест синовларини ўтказиш дастурий ва методик таъминотини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

педагог кадрларнинг касбий фаолияти кўрсаткичларини қайд этиб бориш, ўқув материалларни талабаларга тизимли тақдим этишни амалга оширишга хизмат қилувчи электрон портфолио тизими мазмуни ва дастурий платформасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларидаги ўқув жараёни ҳамда уларнинг касбий фаолияти.

Тадқиқотнинг предмети педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда уларнинг касбий фаолияти мониторингини олиб боришнинг мазмуни, шакл ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларнинг ечимини топиш учун умумилмий (тарихий, биографик, контент-таҳлил), моделлаштириш (лойиҳалаш), социометрик (тест, электрон сўров, суҳбат), педагогик кузатиш ва тажриба-синов методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагиларда иборат:

қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари мониторингини амалга ошириш ва ўқув-методик ахборотларни тизимлаштириш ҳамда интеграллашган ахборот-таълим муҳитини шакллантиришга йўналтирилган электрон методик тизимнинг мазмуни ва ташкилий тузилмаси яратилган;

педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантирувчи омил сифатида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг замонавий

ахборот-коммуникация технологияларига асосланган мониторинг тизими мазмуни, таркибий ташкил этувчилари ишлаб чиқилган;

педагог кадрларнинг касбий компетентлик даражасини аниқлаштириш ва башоратлаш, унинг ривожланиш динамикасини доимий кузатиб бориш имкониятини берувчи методик ёндашув жорий этилган;

педагог кадрларнинг касбий фаолият мотивациясини ривожлантиришга йўналтирилган ва таълим ресурсларини ўзида мужассамлаштирган портфолио тизими ишлаб чиқилган ҳамда педагогнинг касбий фаолияти мониторингининг таркибий қисми сифатида шакллантирилган;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини такомиллаштириш ҳамда унинг сифатини таъминлашнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари педагог кадрларнинг касбий фаолиятини оптималлаштирувчи ҳамда уларнинг компетентлигини ривожлантирувчи яхлит педагогик тизим сифатида таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларининг ўқув-методик ахборотларини тизимлаштиришга хизмат қилувчи интеграллашган электрон ахборот-таълим муҳити шакллантирилган ва уни бошқариш тизими ишлаб чиқилган;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари ҳамда тингловчиларнинг касбий фаолияти мониторингини олиб бориш имкониятини берувчи электрон мониторинг тизими ишлаб чиқилган;

педагогнинг электрон портфолиоси касбий кўрсаткичлар ва таълим ресурслари мажмуаси сифатида шакллантирилган;

педагогнинг касбий компетентлик даражасини аниқлаштириб боришга хизмат қилувчи масофавий тест синовлари дастурий платформаси таълим амалиётига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монографиялар ва улар ҳақидаги рецензиялар, респондентлар билан ўтказилган савол-жавоб, интервьюлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган модел, тизим ва дастурлар педагог кадрларни малакасини ошириш ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этиш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, педагог кадрларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини ахборотлаштириш, ўқув курслари мазмунини ҳамда ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш,

замонавий ўқув-методик таъминотни яратиш, илғор таълим технологияларини жорий этиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагог кадрлар малакасини ошириши ва уларнинг касбий фаолияти мониторингини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

олий таълим тизими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларининг интеграллашган электрон ахборот-таълим муҳити шакллантиришга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242 сонли Қарорининг 3-Иловаси билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 28 июндаги №89-03-1869 сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади;

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тингловчиларининг ўқув фаолияти мониторингини ташкил этишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги 278 сонли Қарорининг 2 пункт, б) банди, 2-хатбоши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 14 июлдаги №284 сонли буйруғининг 1-илоvasи 7-банди бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 28 июндаги №89-03-1869 сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари сифатини оширишга хизмат қилади;

олий таълим тизими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари мазмунини такомиллаштириш бўйича таклифлар асосида ўқув режаларига “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” модули киритилган ва ОЎМТВнинг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 28 июндаги 89-03-1869 сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар педагог кадрларнинг касбий компетентлик даражасини оширишга хизмат қилади;

олий таълим тизими педагог кадрларининг касбий фаолияти натижаларини қайд этиб боришга ва мониторингини олиб боришга хизмат қилувчи электрон портфолио тизимини жорий этиш бўйича таклифлардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 25 декабрдаги 483 сонли буйруғининг 3-банди, 3-хатбошини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 28 июндаги 89-03-1869 сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар педагог кадрларнинг касбий кўрсаткичларини қайд этишнинг замонавий технологияларга асосланган тизимини жорий этишга замин яратади;

педагогнинг касбий компетентлик даражасини аниқлаштириб боришга хизмат қилувчи таклифлар асосида он-лайн тест синовлари дастурий платформаси амалиётга жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлигининг 2016 йил 28 июндаги 89-03-1869 сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар педагог кадрларнинг касбий билим ва малакалари даражасини узвий ривожлантириб боришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, 16 та мақола, жумладан, 14 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотдан учун давлат интеллектаул мулк агентлигидан 5 та муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, умумий хулосалар, 117 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унда 4 та жадвал, 75 та расмдан фойдаланилган, ишнинг умумий ҳажми 153 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг биринчи боби **«Педагог кадрлар малакасини ошириш ва касбий фаолияти мониторингини олиб бориш жараёнлари мазмуни ва методлари»** деб номланган бўлиб, педагог кадрлар малакасини ошириши ва касбий фаолияти мониторингини олиб бориш мазмунини такомиллаштиришда ахборот ва методик таъминотни амалга оширишнинг педагогик асослари ёритилган. Замонавий ахборот-коммуникация воситалари асосида малака ошириш ва касбий фаолият мониторингини ташкил этишнинг шакл ва воситалари ҳақида сўз юритилган.

Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини жорий этишнинг педагогик шарт-шароитларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш бевосита қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув жараёнлари мониторингини олиб бориш, курсларнинг ўқув-методик ахборотларини тизимлаштириш ва интеграллашган ахборот-таълим муҳитини шакллантириш билан боғлиқ. Ҳозирда портал технологияларини яратиш орқали ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш мумкин. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг ягона ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши сифатида ўқув

жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Ахборотларни тизимлаштириш ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланишни енгиллаштиради. Ахборот-таълим порталларининг яратилиши ахборотларни мантиқий тартиблаш ва тизимлаштиришга ёрдам беради. Ахборот-таълим ресурслари дастурларнинг мазмунига мос бўлиши билан бирга тингловчиларда зарур кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминловчи топшириқлар ва вазифалардан ташкил топиши, улар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар ҳажмини аниқлаши, маълум бир мантиқий тизимда тақдим этилиши, узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига мос келиши ва ниҳоят, тизимлилик тамойилига жавоб бериши зарур бўлади. Ахборотлаштириш жараёнини самарали ривожланишини таъминлаш учун ахборот инфратузилмасини мукамал шакллантиришга эътибор қаратмоқ зарур бўлади.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантиришни муҳим йўналишларидан бири ахборот-коммуникация технологиялари билан ўқув жараёнини тизимли интеграциялаш ҳисобланади. Бунда курсларнинг ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмунини тубдан янгилаш, ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида педагогик фаолият ва таълим олиш жараёнини ташкил этиш стратегик масала сифатида намоён бўлади.

Ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилиши шароитида олий таълим муассасалари педагог кадрлари малакасини оширишнинг барча шакллари тўлақонли амалиётга киритиш орқали уларнинг креатив салоҳиятини ривожлантиришни таъминлаш долзарб масалага айланмоқда.

Бизнинг фикримизча, педагог кадрларнинг салоҳиятини узлуксиз малака ошириш жараёнларида ривожлантириш уларга малака ошириш шаклларида мустақил фойдаланиш ҳамда мазкур жараёнда касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам равишда янгилаб бориш имкониятини яратади. Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида эришилган кўрсаткичлар уларнинг креатив салоҳиятини ривожлантиришнинг оптимал ва зарурий йўллари белгилаш имкониятларини яратади. Узлуксиз малака ошириш жараёнларида креатив салоҳиятни ривожлантириш учун педагог кадрларда муайян илмий ва илмий-педагогик фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш, зарур бўлган ахборот компетентликни шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларида таълим олувчиларнинг ўқувчанлик, ўз-ўзига таълим ва ўз-ўзини ривожлантириш қобилияти ортади, ижодий қобилиятлар, ахборотни мустақил излаш ва янги билим олиш, олинган билимларни амалиётда қўллаш қобилиятлари ривожланади. Бунда таълим олувчиларнинг коммуникатив компетентлигини, ўз-ўзини тақдим қилиш қобилиятини ривожлантириш; вариативликни таъминлаш (педагогик вазифаларни амалга оширишнинг самарали механизмини танлаш имкониятини яратиш); тўлақонли

мустақил ишлари учун шароит яратиш (уларни билиш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзига таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш; тез ўзгараётган шароитларда таълим олувчиларнинг мобиллиги ва мослашувчанлигини ошириш имконини беради.

Тингловчиларнинг узлуксиз малака ошириш мониторингини ташкил этиш малака ошириш шаклларининг амалиётга тўлақонли жорий этилиши сифатини ташхис қилишга, яъни педагог кадрларнинг касбий фаолиятини ҳолатини аниқлаштириш ва шу асосда уни такомиллаштириш, ундаги жараёнларни самарали бошқаришга хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, узлуксиз малака ошириш жараёнини электрон портфолио кўрсаткичлари асосида баҳолаш, фақат тингловчининг ўзлаштириш даражасини белгилаш билан чегараланиб қолмай, касбий фаолият жараёнини рағбатлантиришда муҳим педагогик восита ва ижобий мотив уйғотиш билан тингловчи шахсига кучли таъсир этади. Бу орқали тингловчини объектив баҳолаш асосида унда адекват равишда ўз-ўзини баҳолаш имкони туғилади ва ўз муваффақиятларига танқидий муносабат шаклланиш қайд этилади. Шу нуқтаи назардан тингловчи билим, малака ва кўникмаларини баҳолаш, айниқса, билимларни назорат қилишнинг электрон тизими самарадорлигини ошириш мақсадида тинимсиз изланишлар ва такомиллаштириш ишларини олиб боришни тақозо қилади.

Электрон портфолио орқали педагог кадрлар малакасини оширишнинг барча шакллари амалиётда қўлланишини тизимли таҳлил этиш имкониятлари шаклланади. Шунингдек, электрон портфолио тизимининг жорий этилиши педагогларнинг креатив салоҳиятларини босқичма-босқич ривожлантиришга муҳим шароитлар яратади, ихтисослаштирилган малака ошириш муассасаларида педагог кадрларнинг малакасини ошириш жараёнларини ташкил этишда табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш имкониятлари вужудга келади.

Амалга оширилган тадқиқотларимиз натижасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари мониторингини амалга ошириш, ўқув-методик ахборотларини тизимлаштириш ва интеграллашган ахборот-таълим муҳитини шакллантиришга йўналтирилган методик тизими катта педагогик имкониятларга эга эканлиги тасдиқланди.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Педагог кадрлар малакасини ошириши ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этиш мазмуни»** деб номланган. Ушбу бобда педагог кадрлар малакасини ошириш ва касбий фаолияти интеграллашган мониторинги кўрсаткичлари, мониторингни олиб бориш ташкилий-педагогик шарт-шароитлари, мониторингни ташкил этиш инфратузилмаси, дастурий ва методик таъминоти, ахборот ресурсларини шакллантириш тизими баён этилган.

Амалиёт шуни кўрсатдики, замонавий мониторинг тизимида таълим сифатини баҳолаш объектларидан қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқитиш сифатини таҳлил қилиш ва бошқариш воситалари сифатида фойдаланиш мумкин бўлади. Бизнинг фикримизча, электрон мониторинг – бу замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар воситаларидан фойдаланиб, ўқитиш

мақсадлари, мазмуни, шакллари, методлари, дидактик ва техник воситаларини ўз ичига оловчи малака ошириш таълим жараёнлари самарадорлигини сифат ва миқдорий хусусиятларини тизимий ташхис қилишдан иборат.

Олий таълим муассасалари педагогларини малакасини ошириш жараёни ва уларнинг касбий фаолияти электрон мониторинг тизими таълим дастурларининг натижаларини; янги таълим технологияларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; малака ошириш ўқув жараёнларининг сифати мониторингини ташкил қилиш; малака ошириш курсларини ўтаган педагогларнинг касбий фаолияти натижаларини тизимлаштириш; таълим жараёнлари сифатини таъминлашда устувор йўналишларни ташхис қилиш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, қуйидагилар мониторинг вазифалари сифатида ажратиб кўрсатилиши мумкин:


- мониторинг объекти тўғрисида ишончли ва объектив маълумот йиғиш;
- тегишли маълумотлар базасини шакллантириш;
- олинган маълумотларни тизимли таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- маълумотларни тегишли таълимни бошқариш органларига тақдим этиш;
- мониторинг ўтказилган соҳада фаолиятни ташкил қилиш масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш.

Бунда қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурларини амалга жорий этилишини мониторинг қилиш давомида ҳал қилинадиган асосий масалалар қуйидагилардан иборат бўлади:

- малака оширишнинг ҳолати, сифат ва миқдорий ўзгаришлар тўғрисидаги объектив тасаввурларга эга бўлиш имконини берувчи мезонларни ишлаб чиқиш;
- педагогларнинг малакасини ошириш ва касбий фаолияти ҳолати ва уни ривожлантириш тўғрисидаги олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;
- малака ошириш ўқув жараёнининг ҳолати ва ривожланишини таҳлил ва ташхис қилишнинг ахборот таъминоти, бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш.

Тажриба айнан замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг мониторинг тизими технологик тараққиёт ва инновациялар, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услубларини педагог кадрларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантирувчи омил сифатида жорий этишга самарали педагогик шарт-шароитларни яратишини кўрсатади.

Тадқиқотларимиз давомида олий таълим муассасаларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини ҳамда уларнинг касбий фаолиятини мониторингини олиб бориш модели ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Педагог кадрлар малакасини ошириши ва касбий фаолияти мониторинги модели

Таклиф этилаётган модель асосида тингловчиларнинг малака ошириш ва касбий фаолияти мониторинги уч босқичда амалга оширилиши назарда тутилади: тингловчиларнинг малака ошириш курсларини бошланишида, малака ошириш дастурлари бўйича машғулотлар тугагандан сўнг ва касбий фаолиятида.

Кириш он-лайн тест синовлари тингловчиларнинг тайёргарлиги бўйича нисбатан бир даражадаги гуруҳларни шакллантириш имконини беради. Чикиш он-лайн тест синовлари ўқитишнинг яқунловчи босқичида малака ошириш таълим дастурларини амалга ошириш натижалари бўйича дастлабки якуний хулосалар беради. Тизимга касбий фаолият натижалари ҳам киритилади: ўқув-методик, илмий-тадқиқот ҳамда ташкилий-методик ишлари, академик гуруҳлар ўзлаштириши натижалари ва б.

Педагогнинг малака оширгандан кейинги касбий фаолияти мониторинги, шунингдек уни диагностика қилиш методларини жорий этиш малака ошириш курсларини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш, устувор вазифаларни белгилаш ва таълим сифатини самарали бошқариш имкониятини беради.

Тадқиқотларимиз натижасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган мониторинг тизими мазмуни, таркибий ташкил этувчилари педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантирувчи омил сифатида ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Мониторингни ташкил этишнинг дастурий ва методик таъминоти”** деб номланган учинчи бобида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларининг интеграллашган электрон тизими, электрон мониторинг тизими дастурий платформаси таркиби, педагогларнинг электрон портфолиоси уларнинг касбий фаолияти кўрсаткичларини тизимли қайд этиб бориш воситаси сифатида баён этилган.

Тадқиқотларимиз доирасида олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштириш, интеграллашган ахборот-методик таъминотни яратиш, малака ошириш жараёнларининг мониторингини ташкил этиш мақсадида Интернет тармоғида www.bimm.uz портали яратилди.

www.bimm.uz – интеграллашган ахборот-таълим портали Бош илмий-методик марказ, олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларининг ўзаро алоқасини таъминловчи, турли ахборот ресурсларига кириш имкониятини берувчи, ахборот ва замонавий таълим технологияларини ривожлантиришувчи сифатида ахборот-таълим шароитларининг очик тизимини яратади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасалари тизим администраторлари томонидан ҳар бир йўналиш бўйича тингловчилар ва уларнинг курслар давомидаги барча кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар мониторинг тизимининг тегишли қисмларида доимий қайд этиб борилади. Тизим томонидан тингловчилар учун тизимга кириш ҳуқуқини берувчи

логин ва пароллар генерация қилинади ҳамда шу логин ва парол орқали тингловчилар ўзларининг саҳифаларига кириб, тизим рухсат этган вақт оралиғида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш маркази графиги бўйича кириш ва чиқиш он-лайн тест синовларини топширадилар. Бу маълумотларнинг барчаси ягона базага жамланади.

Электрон мониторинг тизими интеграллашган маълумотлар базаси асосида “Режа бажарилиши”, “Тингловчилар давомати”, “Ўзлаштириш”, “Касбий фаолият натижалари” ҳамда “Статистик маълумотлар” йўналишлари бўйича кўрсаткичларни тақдим этади. Ўз навбатида ҳар бир йўналиш тегишли таркибий қисмлардан ташкил топган. Шунингдек, тизим орқали тезкор маълумотларни шакллантириш имкониятлари яратилган.

Тадақиқотларимиз асосида биз томондан таклиф қилинаётган электрон портфолио педагогнинг касбий кўрсаткичлари билан бир қаторда унинг педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ ресурслар, талабаларнинг фан бўйича маълумотларни олишлари, назорат топшириқлари ҳамда талабалар билимини ўзлаштириш мониторинги натижаларини қайд этиш имкониятини берувчи тизим сифатида шакллантирилди.

Тингловчиларнинг касбий фаолияти мониторингини ташкил этиш мақсадида интеграллашган портал таркибида “Педагог электрон портфолиоси” дастурий платформаси ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Таклиф этилаётган электрон портфолио тизими педагогларнинг касбий фаолиятлари мониторингини олиб бориш, илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш, педагоглар ва талабаларнинг виртуал мулоқотини ташкиллаштириш, таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятларини яратилиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари, педагогларда аҳамиятли касбий натижаларни намойиш этиш ва таҳлил қилиш имкониятлари яратилади ҳамда портфолиода тўпланган маълумотлар педагогнинг касбий гувоҳномаси сифатида шаклланади.

Натижада олий таълим муассасалари педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларнинг касбий фаолиятлари комплекс мониторинги ташкил этилади ҳамда малака ошириш жараёнларининг сифати такомиллаштирилиб борилади, яъни тескари алоқа тизими йўлга қўйилади.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Педагогик тажриба – синов ишларини ташкил қилиш ва унинг натижалари»** деб номланиб, унда педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнлари мазмуни ва методларини такомиллаштириш бўйича дастурий ва методик таъминотни амалиётга жорий этиш ва тажриба синов ишлари натижалари таҳлили ҳақида сўз юритилган.

Тингловчилар билимини баҳолашнинг электрон тизими ва ўзлаштириш мониторингини ташкил этиш замонавий таълим тизимида ўқитишнинг сифатини таҳхис қилиш имкониятини беради. Чунки, таълим сифатини таъминланиш даражасини аниқламай туриб, ундаги жараёнларни самарали бошқариш мумкин эмас. Тингловчиларнинг яқунловчи билим ва кўникмаларини малака ошириш жараёнида турли мезонлар ва ёндашувларга

таяниб аниқлаш, уларнинг қўйилган дидактик талабларга мослиги ҳақиқийлигини назорат қилиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидаги тингловчиларнинг ўқув фаолияти кўрсаткичлари таҳлили курсларнинг самарадорлигини аниқлаштириш билан бир қаторда педагогларнинг касбий фаолияти динамикасини ҳам башорат қилиш имконини беради. Шу сабабдан тадқиқотларимиз давомида ишлаб чиқилган электрон тизимларнинг самарасини аниқлаштириш мақсадида регрессион анализ ва Стьюdent тақсимоти методларидан фойдаландик.

2013 йил апрель ойидан 2015 йил ноябрь ойигача бўлган даврда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг 16818 нафар тингловчиларини кириш ва чиқиш он-лайн тест синовларидаги кўрсаткичларини регрессион таҳлил усулидан фойдаланамиз.

Таҳлилларни амалга оширишда тингловчиларнинг тест синовлари натижалари асосида регрессия тенгламалари тузилди (1-жадвал).

1-жадвал

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг тест синовлари натижалари

Давр	Кириш тести натижалари			Чиқиш тести натижалари			$(x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})$
	x_i	$x_i - \bar{x}$	$(x_i - \bar{x})^2$	y_i	$y_i - \bar{y}$	$(y_i - \bar{y})^2$	
04/2013	47,2	-0,676	0,456976	74,8	4,308	18,55886	-2,912208
05/2013	46,5	-1,376	1,893376	76,4	5,908	34,90446	-8,129408
06/2013	52,4	4,524	20,46658	75,1	4,608	21,23366	20,846592
09/2013	45	-2,876	8,271376	63,9	-6,592	43,45446	18,958592
10/2013	50,6	2,724	7,420176	68,4	-2,092	4,376464	-5,698608
11/2013	50,3	2,424	5,875776	69,6	-0,892	0,795664	-2,162208
12/2013	48,4	0,524	0,274576	67,8	-2,692	7,246864	-1,410608
01/2014	52,2	4,324	18,69698	75,2	4,708	22,16526	20,357392
02/2014	47,3	-0,576	0,331776	68,5	-1,992	3,968064	1,147392
03/2014	51,9	4,024	16,19258	71,3	0,808	0,652864	3,251392
04/2014	48,7	0,824	0,678976	67,5	-2,992	8,952064	-2,465408
05/2014	48,7	0,824	0,678976	67,8	-2,692	7,246864	-2,218208
06/2014	44	-3,876	15,02338	63,7	-6,792	46,13126	26,325792
09/2014	45,9	-1,976	3,904576	69,4	-1,092	1,192464	2,157792

10/2014	46,9	-0,976	0,952576	70,5	0,008	6,4E-05	-0,007808
11/2014	47,2	-0,676	0,456976	72,4	1,908	3,640464	-1,289808
12/2014	44,5	-3,376	11,39738	72,5	2,008	4,032064	-6,779008
01/2015	46,9	-0,976	0,952576	70,8	0,308	0,094864	-0,300608
02/2015	46,2	-1,676	2,808976	73,2	2,708	7,333264	-4,538608
03/2015	49,1	1,224	1,498176	75,9	5,408	29,24646	6,619392
04/2015	49,2	1,324	1,752976	74,5	4,008	16,06406	5,306592
05/2015	46,7	-1,176	1,382976	73,4	2,908	8,456464	-3,419808
06/2015	48,8	0,924	0,853776	76,2	5,708	32,58126	5,274192
09/2015	42	-5,876	34,52738	64,7	-5,792	33,54726	34,033792
11/2015	50,3	2,424	5,875776	58,8	-11,692	136,7029	-28,341408
Ўртача	47,876		162,6256	70,492		492,5784	74,6052

Бунда тасодифий миқдорларимиз ўзаро эрки ва нормал тақсимланган деб фараз қиламиз ҳамда жадвал маълумотларидан фойдаланиб корреляция коэффиценти қиймати ҳисобланади:

$$r_{yx} = \frac{\sum (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sqrt{\sum (x_i - \bar{x})^2 \cdot \sum (y_i - \bar{y})^2}} = \frac{74,6052}{\sqrt{162,6256 \cdot 492,5784}} \approx 0,2636$$

Чеддок шкаласига кўра r_{xy} корреляция коэффиценти 0.1 ва 0.3 оралиқда ётса, параметрлар орасидаги алоқа кучсизлигини билдиради. Ушбу миқдорлар орасидаги кучсиз боғланиш тингловчилар тест натижалари объективлигини кўрсатади.

Юқоридагидан келиб чиқиб регрессия тенгламаси тузилади:

$$y_x = \bar{y} + \frac{\sum (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sum (x_i - \bar{x})^2} \cdot (x - \bar{x})$$

$$y_x = 70,492 + \frac{74,6052}{162,6256} \cdot (x - 47,876) \approx 70,492 + 0,4587 \cdot (x - 47,876) \quad (1)$$

бундан

$$y = 70,492 + 0,4587x - 21,96 = 48,532 + 0,4587x \quad (2)$$

келиб чиқади. Худди шундай

$$x_x = \bar{x} + \frac{\sum (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sum (y_i - \bar{y})^2} \cdot (y - \bar{y})$$

$$x_x = 47,876 + \frac{74,6052}{492,5784} \cdot (y - 70,492) \approx 47,876 + 0,1514 \cdot (y - 70,492) \quad (3)$$

бундан

$$x = 47,876 + 0.1514y - 10,6725 = 37,2035 + 0.1514y \quad (4)$$

келиб чиқади.

(2) ва (4) дан қуйидаги тўғри чизик тенгламаларига эга бўлинади:


$$x_y = 37,2035 + 0.1514 y \quad (5)$$

$$y_x = 48,532 + 0.4587 x \quad (6)$$

